

**УДК. 911**

**СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ ЛАНДШАФТЛАРГА ТАЪСИРИНИ БАХОЛАШНИНГ  
САМАРАЛИ МЕТОДЛАРИ (ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).  
EFFECTIVE METHODS OF ASSESSING THE IMPACT OF WATER RESOURCES ON  
LANDSCAPES (EXAMPLE OF JIZZAK REGION).**

Жиззах давлат педагогика университети “География ва иқтисодий билимлар асослари” кафедраси ўқитувчisi,  
**Холмирзаев Жуманазар Эргашевич.**

**Аннотация:** Жиззах вилоятининг умумий табиий шароитини ҳисобга олган ҳолда, кўплаб табиий ва антропоген гидрографик ҳавзалар томонидан ташкил топган ушбу объектларни ўрганишда самарали методологик ёндашувлар тавсия этилади.

**Калит сўзлар:** Жиззах вилоятининг ички сувлари, табиий шароити, гидрографик объектлари, услубий ёндашувлар ва тадқиқот усуслари.

**EFFECTIVE METHODS OF ASSESSING THE IMPACT OF WATER RESOURCES ON  
LANDSCAPES (EXAMPLE OF JIZZAK REGION).**

**Abstract:** taking into account the general natural conditions of the Jizzakh region, effective methodological approaches are recommended for the study of these objects, which are formed by many natural and anthropogenic hydrographic basins.

**Key words:** internal waters of Jizzakh region, natural conditions, hydrographic objects, methodological approaches and research methods.

Хар қандай воқеа, ҳодиса ва қонуниятни ўрганишнинг ўзига ҳос ўрганиш методи мавжуд. Ўрганилаётган обектнинг умумий ҳусусиятидан келиб чиқиб керакли метод танлаб олинади. Бу эса ҳодиса ва жараённи, обектни осонроқ ва тезроқ тадқиқ қилишга ёрдам беради. Метод (юн. "методос"- билиш ёки тадқиқот ёки, назария, таълимот) - воқеаликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўл йўриқлар, усуслар мажмуаси, фалсафий билимларни яратиш ва асослаш усули ҳисобланади.

Методиканинг келиб чиқиши тарихи кишиларнинг амалий фаолиятига бориб тақалади. Бирор ишни бажариш методикани эгаллаган киши шу ишни бошқаларга нисбатан осон, тез ва соз бажара олади. Методикалар ҳақидаги таълимот фанда методология деб аталади. Инсон дастлаб атрофдаги нарса ва

ходисаларни кузатиш, уларни бир-бирига таққослаш, ўхшатиш, фарқ қилиш асосида воқеалик ҳақида билимларини тўплаб борган.

Чунончи Жиззах вилоятининг табиий географик шароити ва сув ресурсларидан келиб чиқиб тадқиқ этишнинг ўзига хос бир қанча методологик усуллари тавсия этилади. Хусусан, қиёсий-тавсифловчи, геокимёвий, стационар, экспедиция, комплекслийк, картографик ва аерокосмик, гидроландшафтли назарий таҳлил (ёндашув) усули, географик прогнозлаш ва моделлаштириш методлари шулар жумласидандир. Ушбу методлар энг асосийлари ундан ташқари бир қанча олимлар ва географларнинг илмий назариялари, қарашлари, таклифлари хам ўз ўрнига қараб инобатга олиб ўрганилади. Жумладан Докучаев, Б.Б.Полинов, Н.А.Солнцев, Д.А.Арманд, Исаченко каби олимларнинг асарларида сув ресурсларининг ландшафтларга таъсир этишнинг бир қанча ўзгариш структураларини, қонуниятларини илгари сурадилар. Ўз қарашларида шундай дейди: - Ландшафтнинг сув компоненти ҳам ҳаво компоненти сингари ҳаракатчан ва аралашувчан компонент ҳисобланади. У нафақат компонентлараро, балки ландшафтлараро ҳам модда ва энергия алмасиниши жараёнида уларни бир жойдан иккинчи жойга ташувчи восита ҳисобланади.

Жиззах вилояти сув ресурсларига дарё, кўл, сув омбор ва каналларни киритиш мумкин. Бундай гидрографик тўр эса ўз-ўзидан хосил бўлмаган. Уларни хосил бўлиши учун кўплаб табиий географик факторлар керак бўлади.

**Қиёсий-тавсифловчи** усул ёрдамида обект тадқиқ этилаётганда камида бешта саволга жавоб берилади. Хусусан уларга : нима, қаерда, қачон, қандай ҳолатда, қандай муносабатларда? "Қачон" - бу вақтни, ўрганилаётган обьектга тарихий ёндашувни, "қандай ҳолатда" - замонавий динамикани, обьектнинг ривожланиш тенденцияларини, "қандай ўзаро муносабатларда" - обьектнинг яқин атроф -муҳитга ва тескари таъсирини ўрганади.

Қиёсий метод орқали вилоятдаги ҳар бир гидрографик обьектни дарё, кўл, ер ости сувлари, сув омбор, каналларнинг олдин, бугун, эртага нима бўлиши

ҳақида батафсил ўрганишга яқиндан ёрдам беради. Кўпроқ гидрографик обектнинг атрофидаги ландшафт ҳолати турли вақт, ҳолат келажакдаги ривожланиш тенденциялар ўзаро мувофиқлаштирилиб ўрганилади.

**Геокимёвий** усул - бу ландшафтларни ўрганишда умумий кимё қонунларини қўллашдир. Ушбу усулдан кўпроқ рус тадқиқотчиси тупроқшунос, географи Г.Г. Полиновнинг геокимёвий тадқиқот усулларидан фойдаландик. Бу эса Жиззах вилояти сув ресурсларининг геокимёвий тарқалиш динамикасига мос келади. Чунки вилоят сув ресурсларининг ҳосил бўлиши ва геокимёвий таркиби ҳам жанубдаги Туркистон-Молгузар тоғ тизмаларидан шимолга Мирзачўл текислиги томон оқиб ўзгариб келади. Биз Туркистон-Молгузар тоғ тизмаларидан Мирзачў воҳаси Айдар шўр ботиғига қадар олинган сувдаги таҳлилларда айнан мана шундай минераллашув таркиб ўзгариб шўрлик ва қаттиқлик ортиб борганини кузатдик.

**Стационар** усулда сув объектлари (дарёлар, кўллар, ер ости сувлари)нинг гидрологик режими элементлари қўп йиллар давомида қуннинг маълум белгиланган соатларида мунтазам равишда кузатиб борилади. Маълумки, гидрологик режим табиий-географик омиллар, биринчи навбатда иқлим таъсирида бўлиб, сув сатхи, сув сарфи, сув харорати, музлаш хоодисалари, эриган моддалар хамда лойқа оқизиқлар оқими ва бошқа элементларнинг кунлиқ, мавсумий, йиллик ва қўп йиллик ўзгаришларида номоён бўлади. **Экспедиция** – Бу усулда мақсадга қараб, режада кўзда тутилган аниқ дастур асосида тўғридан-тўғри дала шароитида тадқиқотлар олиб борилади. Айниқса, биз экспедиция орқали Жиззах вилоятидаги табиий ва сунъий гидрографик объектларнинг гидрологик режими, ўсимликлари, тупроқлари, геологик таркиби, метеорологик маълумотлардан таҳлиллар олиб солишишиш ва умумлаштириш орқали ландшафт компонентларида қандай ўзгаришлар содир бўлганлигини экспедиция орқали кўриб ўтдик. Жиззах вилояти ички сувларидаги нисбатан кам ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган сув объектлари, тұғридан-тўғри дала шароитида, умумий тарзда ёки аниқ бир йуналишдаги мақсадни кўзлаб тадқиқ этдик.

**Комплекслилик методи** Жиззах вилояти сув ресурслари таъсир доирасидаги ландшафтларнинг табиий шароити ва уларни карталаштиришда комплекс ўзгариши ва ривожланиши эътиборга олинган холда ушбу методдан фойдаланди. Барча компонентлар узвийликда, мужассамликда, ўзаро алоқадорликда ривожланади. Компонентлар ва ҳодисалар ўзаро бир-бирлари билан боғланиб, бир бутун табиий комплексни ҳосил қиласди.

**Картографик ва аерокосмик методи**-Бугунги кунда кўплаб олиб борилаётган илмий изланишларда энг кўп қўлланилаётган тадқиқот методларидан хисобланади. Шундай экан Жиззах вилояти ички сувларининг ландшафтларга таъсирини баҳолашда барча воқеа ва ҳодисалар аерокосмик сурат орқали дешифровка қилиниб албатта харитага туширилиши шарт. Ана шунда бу худуддаги ландшафт ўзгаришларининг даражлари қандай холатда эканлиги ўз вақтида аниқ хulosалар чиқариш имконияти туғилади ва чора тадбирлар ишлаб чиқиласди.

**Гидроландшафтли назарий таҳлил (ёндашув) усули.** Бу усулда албатта гидрографик объект (дарё, кўл, сув омбор) бўлиши шарт. Ундан сўнг сув ресурслари таъсир доирасидаги атроф ландшафт компонентлари (сув, иқлим, рельеф, тупроқ, ўсимлик, антропоген) дан намуналар олинади. Ундан сўнг йиғилган маълумотлар асосида камерал усулда назарий таҳлил қилинади. Тайёр бўлган маълумот умумлаштирилиб карталаштириш, баҳоланиш, режалаштириш, ёки башорат қилиниши мумкин. Масалан, Санѓзор дарёсининг ландшафт бирликларини ажратишда юқоридан қуйига томон ландшафт бирликлари ажратилди. Таҳлилларга қарайдиган бўлсак: 1) типик корбонатли жигарранг тупроқли ландшафтлар 2) Тўқ тусли бўз тупроқли ландшафтлар 3) Типик бўз тупроқли ландшафтлар 4) лаълми типик бўз тупроқли ландшафтлар 5) Лалми тўқ тусли бўз тупроқли ландшафтлар 6) Тўқ тусли бўз тупроқлар 7) Лалми типик бўз тупроқлар 8) Бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз тупроқли ландшафтлар 9) Типик бўз тупроқли ландшафтлар 10) Лаълми типик бўз тупроқли ландшафтлар 11) Типик бўз тупроқли ландшафтлар 12) Типик бўз тупроқли ландшафтлар 13) Оч тусли бўз тупроқли

ландшафтлар 14) Бўз-отлоқи, отлоқи-бўз тупроқли ландшафтлар 15) Ўтлоқи соз тупроқли ландшафтлар 16) Ўтлоқи аллювиаль ландшафтлар 17) Бўз ўтлоқи тупроқли ландшафтлар (Жиззах вилояти ўлкашунослик атласи Т:-2016, 22-б).

**Географик прогнозлаш ва моделлаштириш методи.** - Геосистеманинг хозирда ва келажакда бўлиши мумкин бўлган ҳолати ҳақида тасаввурга эга бўлишга имкон беради. Бу усул доирасида келажакда геосистемаларнинг мумкин бўлган ҳолати моделлари ишлаб чиқилади;

Жиззах вилояти ички сувларининг гидрологик шароити ва бошқа табиий омиллар билан узвий боғлиқлиги, алоқадорлиқда ривожланиш қонуниятларини ўрганиш орқали келажакда кутиладиган ходиса ва жараёнлар аниқ ўрганилган маълумотлар асосида башорат қилинади шунга мос бўлган модели ишлаб чиқилади. Бу эса келажакда содир бўлиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олдиндан олишга амалий ёрдам беради. Бу эса халқ хўжалигига ўзининг қимматбахо қиймати билан баҳоланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Алибеков Л.А., Нишанов С.А. Природные условия и ресурсы Джизакской области. –Ташкент: Узбекистан, 1978 г.
2. Алимқулов Н.Р. Мирзачўл ландшафт – экологик шароитини ўрганишда табиий компонентларнинг ўрни. Наманган-2023. Конференция.
3. Ш.Шарипов. Тошкент вилоятининг ландшафт хилма-ҳиллигини сақлаш ва геоэкологик вазиятини яхшилаш масалалари диссертацияси-2022й.
4. (Ш.С.Зокиров, Х.Р.Тошов Ландшафтшунлослик ;Т:-2016.45б).
5. (Жиззах вилояти ўлкашунослик атласи Т:-2016, 22-б).